



**I^WORLD
of
JOURNALS**

Directory of
Research Journal
DRJI
Indexing

Scientific Research
An Academic Publisher

doi
Crossref
EScience Press

DOAJ
DIRECTORY OF
OPEN ACCESS
JOURNALS

RESEARCHBIB
ACADEMIC RESOURCE INDEX

O‘ZBEKISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI

“O‘ZBEKISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR” JURNALI



«BEST PUBLICATION»

Ilm-ma'rifat markazi ©


MATERIALLARI TO‘PLAMI

10-OKTYABR, 2021-YIL

1-SON

O‘ZBEKISTON

2021





25	Rajabov Shohrux Bahodir o'gli <i>LEPIDOPTERA TURKUMIGA MANSUB ICHKI KARANTIN ZARARKUNANDALARI BIOEKOLOGIK XUSUSIYATLARI VA DNK IDENTIFIKATSIYASI.</i>	112
26	Saitkulova Nazokat Rahmonovna <i>INGLIZ TILINI O'RGATISHDA KOMPETENSIYAVIY YONDASHUV ASOSLARI</i>	115
27	Botirova Gulsanam <i>WORKING WITH PHRASAL VERBS IN ENGLISH LANGUAGE</i>	121
28	Shahrizod Temirov Uchqunjonovich <i>YANGI O'ZBEKISTONDA MOLIYA VA BANK XIZMATLARI BOZORINI YANADA RIVOJLANTIRISH.</i>	125
29	Даминова Назокаат Эркинбоевна, Хошимов Хушбахт Рустамжон ўғли <i>ФАРФОНА ВОДИЙСИДА ТАБИИЙ ҲОЛДА ТАРҚАЛГАН SPIRAEA PILOSA FRANCH. (ROSACEAE) ҲАҚИДА</i>	129
30	Siddiqova Osiyo Normurod qizi <i>SURXONDARYO TOPONIMIK AFSONALARINING O'ZIGA XOSLIGI</i>	135
31	Markayev Zafar Ibodullayevich <i>TEXNOLOGIYA TA'LIMI YO'NALISHI TALABALARINI IJODIY FAOLIYATINI SHAKLLANTIRISHDA MUSTAQIL TA'LIMNING AHAMIYATI</i>	139
32	Yuldosheva Dilafuz Jo'ra qizi, Gulmurodova Shahnoza Jo'rayevna, Shamsiddinova Kamola Ixtiyor qizi <i>GREK YONG'OG'INING QO'NG'IR DOG'LANISH KASALLIGI VA UNGA QARSHI KURASH CHORALARI</i>	142
33	Ruziyev Khusniddin Baxritdinovich <i>THE STUDY OF PAREMIAS IN ENGLISH LINGUISTICS</i>	146
34	Zubaydullaeva Gulchaman Salimovna <i>TIBBIYOT TEXNIKUMLARIDA GERONTOLOGIYA FANINI ZAMONAVIY O'QITISH METODLARI</i>	151
35	Toleubaeva Aliya Ondasinovna, Ayapbergenov Bakhadir Tilewbergenovich <i>EQUIVALENCE PROBLEMS OF PHRASEOLOGICAL UNITS IN TRANSLATION (ON THE MATERIALS OF BERDAKH'S POEM)</i>	155
36	Xusanova Lola Yaxshiboyevna <i>INGLIZ VA O'ZBEK TILLARIDA "VATAN" KONSEPTUAL MAYDONINI TASHKIL QILUVCHI BIRLIKLAR</i>	162
37	Shermatova Rayhon Jumaboyevna <i>ARRALI VA VALIKLI JINNING ISHCHI KAMERASI, KONSTURKTSIYASINI TAKOMILLSHTIRISH YO'LI BILAN ISH UNUMINI OSHIRISH</i>	172
38	А.С. Бердише, А.А. Турдибаев, Н.А. Айтбаев <i>ОБЕЗЗАРАЖИВАНИЕ ЖИДКОСТИ МЕТОДОМ ЭЛЕКТРОГИДРАВЛИЧЕСКОГО УДАРА</i>	176
39	Г.Х. Гуляева, М.М.Мукимов <i>О НОВОМ СПОСОБЕ ПОЛУЧЕНИЯ КОМБИНИРОВАННОГО ФОРМОУСТОЙЧИВОГО ТРИКОТАЖА</i>	187
40	Бобур Толибжонович Тожибоев <i>СУЮҚ КОМПОЗИЦИОН ИССИҚЛИК ИЗОЛЯЦИЯЛОВЧИ ҚОПЛАМАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ИССИҚЛИК ЎТКАЗУВЧАНЛИК КОЭФИЦЕНТИНИ АНИҚЛАШ УСУЛЛАРИ</i>	191
41	Карабаев Махсетбай Джолдасбаевич <i>СУВДАН ФЙДАЛАНИШДА МАРКАЗИЙ ОСИЁ ТАЖРИБАСИ ВА МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИГИМИЗНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЗАРУРИЯТИ.</i>	197
42	Ҳасанов Шарофиддин Шамшурович, Чориев Маҳмуджон Аҳмад ўғли <i>ОИЛАНИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ РИВОЖИДАГИ ЎРНИ</i>	201
43	Allazov Iskandar Salaxog'li, Hayitova Shaxnoza Daniyarovna <i>MUSTAQIL FAOLIYATNI FAOLLASHTIRISH OLIY TA'LIM TALABALARINING TABIIY-ILMIY "DUNYO QIYOFASI" NI SHAKLLANTIRISH SHARTI SIFATIDA</i>	208
44	Марданов Ботир Асатуллаевич, Амриддинов С <i>ОПТИМАЛЬНЫЙ АЛГОРИТМ ЧИСЛЕННОГО МЕТОДА РЕШЕНИЯ МАТЕМАТИЧЕСКИХ МОДЕЛЕЙ ЗАДАЧ ХИМИЧЕСКОЙ ТЕХНОЛОГИИ</i>	211
45	Хамраева С.Б., Рахимходжаев С.С., Кадирова Д.Н <i>ОСОБЕННОСТИ ИЗГОТОВЛЕНИЯ ДЖИНСОВЫХ ТКАНЕЙ</i>	216





ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА ТАБИЙ ҲОЛДА ТАРҚАЛГАН SPIRAEA PILOSA FRANCH. (ROSACEAE) ҲАҚИДА

Даминова Назокат Эркинбоевна¹,
Хошимов Хушбахт Рустамжон ўғли².

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ботаника институти
таянч докторанти.

Наманган Давлат Университети таянч докторанти.

Аннотация: Мақолада, *Spiraea pilosa* турининг Фарғона водийсида географик тарқалиши, тур иштирокидаги ўсимлик жамоаларининг флора таркибининг таҳлили келтирилди. Ўзбекистон Миллий гербарийси (TASH) ва 2020-2021 йиллар оралиғида олиб борилган мақсадли дала тадқиқотлари давомида йиғилган гербарий маълумотлари асосида турнинг маҳаллий популяцияларини тарқалишини акс эттирувчи харита тузилди ва ваучер маълумотлари киритилди.

Калит сўзлар. *Spiraea pilosa*, *Rosaceae*, формация, ассоциация, ArcGIS, TASH, Maxent, MAPS.ME.

Кириш


Сўнги йилларда Ўзбекистондаги маҳаллий флораларни ҳар томонлама ўрганиш борасида кенг кўламли геоботаник (Абдураимов, 2017, Азимов, 2019, Шомуродов, 2019) ва флористик (Тожибаев, 2010; Каримов, 2016; Батошов, 2016; Тургинов, 2017; Азимова, 2018; Эсанов, 2018) мақсадли тадқиқотлар кўлами ортиб бормоқда. Натижада маҳаллий биологик хилма-хиллик, хусусан, ўсимлик турлари таркибини аниқлаш, ундаги маълум бир гуруҳга мансуб бўлган ўсимликлар популяциясининг ҳолати, табиий захиралари, экологик омиллар таъсирида турларнинг тарқалиш динамикасини ўзгариши, антропоген омилларнинг таъсир ўтказиш жараёнида айрим ўсимлик турларининг йўқ бўлиб кетиш

сабаблари ўрганилиб келинмоқда (11: 1105; 12: 1533).

Бундай тадқиқотлар ўсимлик дунёси объектларини биохужжатлаш-тиришга янада катта эътибор қаратиш лозимлигини талаб этади. Шундай тадқиқотлардан бири “Фарғона водийси дарахт ва бутазорларининг ҳозирги ҳолати” мавзусида амалга оширилмоқда.

Spiraea L. туркуми вакиллари турли муҳит шароитларга мослаша олганлиги сабабли Европа ва Марказий Осиёда кенг тарқалган. Туркумнинг ер юзидида 80-100 тур тарқалган бўлиб (10: 2086-2087; 13), СССР флорасида 22 та, Ўрта Осиёда 10 та тури тарқалган, шулардан 5 таси Ўзбекистон флорасида учрайди (5: 259-263; 6: 283-305; 8: 119-123;).

Фарғона водийси Ўрта Осиёдаги тоғлар орасида





жойлашган йирик тоғ оралиғи ботикларидан бири ҳисобланади. Водий шимолида Тиён-Шон, жанубида Помир-Олой тоғ тизмалари билан ўралган. Фарғона водийсининг Ўзбекистон Республикасига тегишли қисми Қурама, Чотқол ва Олой тизмаларига, маъмурий жиҳатдан Наманган, Фарғона ва Андижон вилоятларига тўғри келади.

Фарғона водийсида табиий ландшафтлар майдонининг камлиги ва ўсимликлар қопламида дарахт ва бутазорларнинг аҳамияти юқорилигини инобатга олган ҳолда, мақолада Фарғона водийси флорасида табиий ҳолда тарқалган *Spiraea pilosa* Franch. (Rosaceae) маҳаллий популяцияларини тарқалишини хариталаш ва тур иштирокидаги ўсимлик жамоаларининг флора таркибини таҳлили мазкур тадқиқотнинг бош мақсади сифатида қабул қилинган.

Материал ва методлар.

Тадқиқотнинг объекти Фарғона водийси флорасида тарқалган *S. pilosa*. Тадқиқот материаллари – “Ўзбекистон Миллий гербарийси” ноёб илмий объекти (TASH) фондида сақланаётган *S. pilosa* ва 2020 йилда амалга оширилган мақсадли дала тадқиқотлар давомида йиғилган гербарий намуналари ҳисобланади.

TASH фондида тукдор тобулғининг 134 гербарий намуналари мавжуд бўлиб, улардан 123 таси Ўзбекистон флорасига мансуб. Бирок, Фарғона

водийси ҳудудидан тўпланган намуналар жуда ҳам кам бўлиб, 1927–2013 йиллар оралиғида терилган 23 намунадан иборат ва улар умумий ҳажмининг 17.4% ташкил этади ҳолос. Уларнинг асосий қисми 1949–1966 йилларга тўғри келади. Чоп этилган илмий манбалар орасида эса О.Н. Бондаренко (1956), М.М. Арифханова (1967), ва К.Ш. Тожибаев (2002) тадқиқотлари муҳим аҳамият касб этади (1: 180-184; 2: 8-9; 7: 7-8).

Гербарий намуналари йиғилган нуқталарнинг географик координаталари MAPS.ME (10.0.3) ва Google Earth (4.3) дастурларида аниқланди. Турнинг мавжуд гербарий намуналари терилган нуқталар акс этган харита ArcGIS (10.3.1) дастуридан фойдаланиб яратилди.

Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили.


S. pilosa Ўрта Осиёнинг Тиён-Шон (Чу-Или тоғлари, Каратау, Қирғиз Олатоғи, Талос, Сусамир тоғи, Қоржантоғ, Угом, Писком, Чотқол, Фарғона ва Қурама тизмалари), Помир-Олой (Олой, Туркистон, Ҳисор, Қоратегин, Пётр 1 ва Дарвоз тизмалари) тоғлари бўйлаб тарқалган. Одатда якка-якка ёки кичик гуруҳлар ҳосил қилган ҳолда дарё водийларида, тошли-шағалли тупроқларда, тошли қояларда, баргли ўрмонларда, куйи ва ўрта тоғ минтақасидаги ёнбағирликларда, 1000–2000 м баландликгача бўлган ҳудудларда учрайди (5: 263; 8: 121).





Фарғона водийси ўсимликлар қопламида *S. pilosa* тарқалган ҳудудлар Қурама тизмасининг Чодак ва Чоркесар ҳавзалари, Олой тизмасидаги Шохимардон ҳудудларга тўғри келади ва ўрта тоғ минтақасидаги ёнбағирликларда, 1000–1500 м баландликгача бўлган ҳудудларда учрайди (1-расм).

1- расм. Фарғона воийсида



Spiraea pilosa ўсиш нуқталари.

1957 йилда олима О.Н. Бондаренко томонидан олиб борилган тадқиқотларда *S. pilosa* Қурама тизмасининг Чодаксой ҳавзасида шувокзор формациясининг Аралаш бутали-бошоқли-ингичкабаргли шувокзор (3: 116-122), А. Я. Бутков ва бошқ. (1969) маълумотларига кўра,

тукдор тобулги таронзор формациянинг оксутали-тулкиқуйрукли-таронзор ассоциация-ларида учраши қайд этилган (4: 278-283).

Т. Худойбердиевнинг (1976) келтирган маълумотига кўра, Фарғона водийсида Олой тизмасининг ўрта тоғ минтақаси жанубий экпозициясида шувокзор жамоасининг аралаш бутали – бошоқли - ингичкабаргли шувокзор, шимолий қисмида хапризор жамоасининг бозулбангли - ингичкабаргли шувокли - хапризор ассоциацияларида аксарият ҳолларда *Cerasus verrucosa*, *Rosa kokanica*, *S. pilosa*, *Ephedra intermedia* билан бирга учраши қайд этилган (9: 131).

К.Ш. Тожибаев томонидан (2002) олиб борилган геоботаник тадқиқотларда *S. pilosa* Ғарбий Тиёншоннинг Чодаксой ва Чоркесар ҳавзаларида арчазор формациясининг Зиркли – наъматакли – бетағали қора арчазор, Бутали–шеролғинли–қора арчазор, Ровочли–бутали–қора арчазор, Ҳар хил ўтли–бутали–қора арчазор ассоциацияларида учраши қайд этилган (7: 7-8).





2020 йил оlib борилган
мақсадли тадқиқотлар давомида
туқдор тобулғи Фарбий

Чодаксой ҳавзаси флорасида
S. pilosa учраши қайд этилган
жамоаларининг флора таркибини



Тиёншоннинг Чодаксой ва
Чоркесар ҳавзаларида арчазор
формациясининг Зиркли-
наъматакли-бетағали қора
арчазор, Ҳар хил ўтли-бутаали-қора
арчазор ассоциацияларида
учраши қайд этилди. Шунингдек
Олой тизмасининг Шохимардон
худудида тоғ ёнбағирликдаги
тошли қоялар ёриқларида якка-
якка ҳолда учраши қайд этилди [2-
расм].


**2-расм. Шохимардон. Ёрдон
қишлоғи 09.08.2021 йил.**

таҳлилига кўра етакчи оила
Rosaceae (10 туркум, 14 тур)
ҳисобланади. Дастлабки 9
оилаларда ўсимлик жамолардаги
турлар таркибининг 65.5 % (45
туркум, 60 тур) жамланган.
Етакчи оилалар (Rosaceae,
Asteraceae, Rosaceae, Lamiaceae)
кетма-кетлиги юқорида қайд
этилган ўсимлик жамоларида
учрайдиган туркум ва турлар сони
бўйича келтирилган (1-жадвал).

**Чодаксой ҳавзаси флорасида *Spiraea pilosa* учраши қайд
этилган жамоалардаги етакчи оилаларнинг спектри**

1-жадвал.

	Оилалар	СОНИ		%
		туркум	тур	
	Rosaceae	10	14	14,4
	Asteraceae	7	12	12,3





Rosaceae	6	11	11,3
Lamiaceae	7	8	8,2
Fabaceae	4	4	4,1
Apiaceae	3	4	4,1
Polygonaceae	3	4	4,1
Caryophyllaceae	2	4	4,1
Brassicaceae	3	3	3
Жами	45	60	65.6

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Фарғона водийси флорасида тукдор тобулғининг маҳаллий популяциялари Ғарбий Тиёншоннинг Чодаксой, Чоркесар хавзаларида ва Олой тизмасининг Шоҳимардон ҳудудида тарқалган. Тур иштирокидаги ўсимлик жамоаларининг флора таркибини

таҳлилига кўра Роасеае оиласи етакчи ўринни эгаллайди. Олиб борилган мақсадли дала тадқиқотлари давомида янги гербарий намуналари тайёрланиши натижасида ушбу турнинг замонавий ареаллари ва экологик маконларини тўлиқ тасвирлаш имконини беради.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Арифханова М.М.. Растительность Ферганской долины. Ташкент: ФАН, 1967. 180-184 с.
2. Бондаренко О.Н. Растительность Наманганской области и её хозяйствен-ное значение. Автореф. дис... канд. биол. наук. – Ташкент: 1956. 8-9 с.
3. Бондаренко О.Н. //Растительный покров Узбекистана и пути его рационального использования. Ташкент: ФАН, 1976. Т.III. С.116-122.
4. Бутков А.Я. //Растительный покров Узбекистана и пути его рационального использования. Ташкент: ФАН, 1976. Т.III. С. 278-283 с.
5. Дробов В.П. *Spiraea* L. - Таволга. Флора Узбекистана. - Ташкент: АН УзССР, 1955. Т. III. С. 259-263.
6. Пояркова А.И. род. Таволга - *Spiraea* L. Флора СССР. - Москва: АН СССР, 1939. Т. IX. С. 283-305.
7. Тожибаев К.Ш. Чодаксой хавзаси ўсимликлар қоплами ва ўтлоқлари: Биол. фанл. номз. ... дисс. автореф. -Тошкент: 2002. - 19 б.
8. Туляганова М. Род *Spiraea* L. -Таволга. Определитель растений Средней Азии. Ташкент: Фан, 1976. -Т. V. С. 119-123.
9. Худойбердиев Т.Х.. //Растительный покров Узбекистана и пути его рационального использования. Ташкент: ФАН, 1976. Т.III. С. 131.





10. Quziyeva S. Structural Features of Vegetative Organs *Spiraea hypericifolia* L., Growing in Uzbekistan // American Journal of Plant Sciences. – 2019.- T. 10. – №. 10. – C. 2086-2087.

11. Tojibaev K.S., Beshko N.Y., Popov V.A. 2016. Botanical-geographical regionalization of Uzbekistan. Botanical Journal 101 (10):1105.

12. Turginov O. T., & Akbarova, M. H. Distribution of the species genus *Scutellaria* L. (Lamiaceae) flora of the Ferghana Valley //American Journal of Plant Sciences. – 2020. – T. 11. – №. 10. – C. 1533.

13. <http://www.plantsoftheworldonline.org>.

